

ISSN 2072-0297

МОЛОДОЙ УЧЁНЫЙ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ



11 2023
ЧАСТЬ IV

16+

СОДЕРЖАНИЕ

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

Абазова Н. И.

Правовые основы отмены решения о приобретении гражданства Российской Федерации 217

Абловацкая К. С.

Финансирование концессионных соглашений: юридический аспект..... 219

Анисимова Е. С.

Проблемные аспекты психологического и морально-нравственного противостояния работника прокуратуры и правонарушителя... 223

Болтачева А. А.

Практическое применение положений о личных правах человека в деятельности ООН..... 225

Бочурко Т. В., Горнев Р. В.

Некоторые юридико-социальные аспекты претензионного порядка по договорным спорам в арбитражном процессе..... 226

Вануйто Е. Д.

Понятие, виды и общая характеристика преступлений в сфере экономической деятельности. Незаконное предпринимательство..... 228

Громацкий Б. Н.

Осуществление конституционного контроля в Российской Федерации..... 229

Дзидзария А. А.

Понятие следственных ошибок 232

Драгомир А. С.

Неустойка: проблемы правовой природы и использования в договорных отношениях... 233

Дюкарев В. В., Дудкин И. К.

Особенности лишения родительских прав в Российской Федерации как способа восстановления и защиты нарушенных прав ребенка..... 235

Емкужева О. В.

Ответственность членов совета директоров ... 237

Запевалов А. В.

Местное самоуправление в истории Российского государства: традиции и современность..... 239

Золототрубова Н. А.

Соотношение понятий «несостоятельность» и «банкротство» 242

Кирпач К. А.

Налоговая преступность: понятие, причины, предупреждение 245

Кручинская Д. Д.

Уголовно-правовая и криминологическая характеристика умышленного уничтожения или повреждения чужого имущества 247

Куватов А. Г.

Становление и развитие комплексной судебной психолого-психиатрической экспертизы в уголовном процессе на первом этапе 250

Левицкий С. В.

Установление мотива преступлений экстремистской направленности 253

Лупанова Т. В.

Проблемы применения независимой гарантии и неустойки в рамках договорного обязательства..... 255

Лупанова Т. В.

Проблемы применения мер ответственности за нарушение договорных обязательств: взыскание процентов за пользование чужими денежными средствами..... 257

Пасевин А. В.

Правовой статус мирового судьи..... 259

Савенков А. О.

Правовые основания предоставления кредитных каникул мобилизованным гражданам 261

Сарсенбаев Б. М.

Правовая природа концессионного соглашения 262

Сыркина Е. В.

Материально-техническое обеспечение работников прокуратуры..... 264

Уразалиев Р. М.

Правовое обеспечение туристской деятельности..... 267

Успенская М. О., Федин К. Э.

Исполнение норм материального и процессуального права как необходимое условие обеспечения соблюдения прав и свобод при рассмотрении дел о признании граждан недееспособными 268

ПОЛИТОЛОГИЯ

Сакунова Е. А.

Основные стратегии российской государственной политики памяти в контексте современного кинематографа 272

ПРОЧЕЕ

**Васечкин Е. В., Мещеряков С. М.,
Старостин М. С.**

Проблемные вопросы потребности в сверхлегких беспилотных летательных аппаратах 274

МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ
ҚАЗАҚСТАН**Абенова Т. Т., Абенова Т. Т.**

Зияткерлік қабілеттер туралы зерттеулерге шолу..... 276

МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ
О'ZBEKISTON**Курбанова Ш. И., Самигова Н. Р., Сабитов М. А.**

Сопол буюмлари ишлаб чиқариш корхонасида асосий касбий гуруҳлардаги ишчиларнинг меҳнатини оғирлиги ва кескинлигини баҳолаш 280

Самигова Н. Р., Сейфуллаева Г. А.

Мебель ишлаб чиқариш корхонасида ишловчиларнинг гигиеник меҳнат шароитларини баҳолаш..... 282

МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ О'ЗБЕКISTON

Сопол буюмлари ишлаб чиқариш корхонасида асосий касбий гуруҳлардаги ишчиларнинг меҳнатини оғирлиги ва кескинлигини баҳолаш

Курбанова Шахноза Иркиновна, тиббиёт фанлари номзоди, доцент;
Самигова Наргиз Раимовна, тиббиёт фанлари номзоди, доцент;
Сабитов Мирзабек Алишер ўғли, магистратура талабаси
Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)

Корхонадаги ишловчиларнинг меҳнати, жисмоний зўриқиши билан ишлаш ва узоқ вақт давомида тик оёқда туриб ишлаш, гавдани олдинга ва ён томонга буккан ҳолда эгилган ҳолатда туриб меҳнат қилишдан иборат. Ишнинг кескинлиги интеллектуал зўриқиш, сенсор нагрузка, эмоционал зўриқиш, ишнинг монотонлиги ва иш тартиби билан тавсифланади.

Калит сўзлар: сопол буюмлар ишлаб чиқариш корхонаси, ишнинг оғирлиги, ишнинг кескинлиги, меҳнат шароити, иш ҳолати, юкнинг массаси.

Оценка тяжести и напряженности труда работников основных профессиональных групп на предприятии керамических изделий

Курбанова Шахноза Иркиновна, кандидат медицинских наук, доцент;
Самигова Наргиз Раимовна, кандидат медицинских наук, доцент;
Сабитов Мирзабек Алишер угли, студент магистратуры
Ташкентская медицинская академия (Узбекистан)

Труд рабочих на предприятии состоит из работы с физическим напряжением и длительным стоянием, работой в согнутом положении с наклоном туловища вперед и в стороны. Напряжённость труда характеризуется интеллектуальным напряжением, сенсорным напряжением, эмоциональным напряжением, монотонностью труда.

Ключевые слова: производство керамических изделий, тяжесть труда, напряжённость труда, условия труда, рабочая поза, масса груза.

Ишлаб чиқариш корхоналарини ҳозирги кун шароитида ривожланиш самарадорлиги ва жаҳон иқтисодиётидаги унинг интеграцияси янги бошқарув механизмларини амалга ошириш, бошқаришни инновацион усулларини қўллашга ва ишлаб чиқаришни замонавий бошқарув асосларини ташкиллаштиришга асосланган [1, 3].

Меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари жамиятнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги куннинг энг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Илмий-техника тараққиёти ишлаб чиқаришдаги меҳнат жараёнларининг доимий мураккаблашиши ва хилма-хиллигини олдиндан белгилаб беради. Натижада, меҳнат жараёнларини ўрганиш муаммолари долзарб бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда [2, 4]. Илмий ишимизнинг мақсади олинган вазифаларни ечимини топган ҳолда сопол буюмлар ишлаб чиқариш корхоналарида ишловчиларда ишнинг оғирлиги ва кескинли-

гини баҳолаш, иш унумдорлигини ошириш, иш қобилиятини ошириш, чарчашни олдини олишга қаратилган соғломлаштириш чора тадбирларни ишлаб чиқиш.

Текширишдан мақсад: Ишчилар организмга ишлаб чиқариш муҳитидаги комплекс омиллар таъсирини ва организмнинг физиологик реакциялар динамикасини ўрганиш асосида, сопол буюмлар ишлаб чиқариш корхонаси ишчиларининг меҳнат шароитларини оптималлаштириш ва иш жараёнини тўғри ташкил қилиш, ишнинг оғирлиги ва кескинлигини камайтириш, меҳнат қобилиятини ошириш ва ишчилар саломатлигини сақлашга қаратилган илмий асосланган профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Материал ва усуллар: «ART KERAMIKA» корхонаси ишчиларининг меҳнатини оғирлигини инобатга олиб, ишчиларнинг иш ҳолати иш куни давомида фазода кўчиб юриши, қўл-панжа ва бармоқларнинг стереотип ҳаракатлар сони баҳоланди. Иш-

нинг кескинлиги, бажарилаётган ишнинг аниқлигига, қабул қилинаётган сигналларнинг зичлигига, кўз ёрдамида бажарилаётган ишнинг даражасига ва операцияларнинг бир хилда бўлишига боғлиқлиги аниқланди. Олинган натижалар эса СанҚваМ № 0141–03 «Ишлаб чиқариш жараёнини оғирлиги ва кескинлиги, зарарли ва ҳавфли омилар кўрсаткичлари бўйича меҳнатнинг гигиеник таснифи» га асосан баҳоланди.

Олинган натижалар: Сопол буюмлари ишлаб чиқариш корхонасидаги меҳнат жараёни турли характерга эга. Бу ерда ишловчи ишчиларнинг меҳнат жараёни пулт бошқариш жараёнидан бошланиб оғир жисмоний иш жараёни билан туғалланади.

Корхонанинг айрим иш жараёнлари конвейер типда бўлиб ишнинг кескинлигини талаб қилса, айрим жараёнлар эса масалан, саралаш, упаковка қилиш жараёнлари жисмоний зўриқишни талаб этади.

Асосий касбда ишловчи ишчилардан майдаловчи-кукунловчиларнинг асосий вазифасига хом ашёдан лой тайёрлашади. Меҳнат жараёни ишлаб чиқаришда ишнинг оғирлиги билан тавсифланади ва иш кунининг 85% ини ташкил этади. Иш вақтининг 30–40% и тайёрлов бўлимларда бўлиб хом ашё масса материалларини қайта ишлашда қўл ёрдамида катта бўлақдаги лойни майдалаш ва майдаланган лойни барабанга солиш ишларини олиб борадилар. Шу билан бирга белкурак ёрдамида қўлда 10–15 кг ли массаларни барабандан араваларга солиш ишларини олиб борадилар. Жисмоний динамик зўриқиш 27000 кг/м га тенг, иш ҳолатининг 25% эгилган ҳолда бўлиб эгилишлар сони 110 мартгани ташкил этади. Шундай қилиб майдаловчи-кукунловчиларнинг меҳнати ишнинг оғирлиги билан тавсифланади ва ишнинг оғирлиги бўйича меҳнат шароити 3-синфнинг 3- даражасига таалуқли.

Қолипловчилар сопол маҳсулотларни қолипга солиш ишларини бажарадилар. Бир сменада массаси 200,0 гр га тенг бўлган 2000–3000 тага яқин маҳсулотларни қолиплайдилар. Ишчи маълум массадаги лойни олиб куч билан қолипга солади ва намунаушлагич билан маҳсулотни ички томонидан шакл беради ва ортиқча лой массасини олиб ташлайди. Иккинчи мартта намуна шаклини тушириб идишни фармовка қилади. Қолипланган маҳсулотни қуритиш учун стилажларга теради. Иш жараёни оғирлиги бўйича жисмоний ишнинг II категориясига киради. Меҳнат шароити 3-синфни 2-даражасига таалуқли. Регионал зўриқиш ишчиларнинг стереотип ҳаракатлари натижасида қўл ва елка мушаклари иштирокида смена давомида 22000 мартта бўлиб, мажбурий иш ҳолати 50% ни ташкил этади. Меҳнат жараёнининг кескинлиги кузатишлар давомийлиги билан иш вақтининг 75% ини ташкил этади. Қолипловчиларнинг меҳнат шароити ишнинг оғирлиги бўйича 3-синфнинг 2-даражасига таалуқли.

Ўт ёқувчилар ёнгин панжараларини демонтаж қилиш ва йиғиш ишларини, футировкалаш ишларини бажарадилар. Шу билан бирга печларни таъмирлаш, ўчоқ остидаги коридорларни тозалаш ишларини, капсулаларни тушириш ва юклаш, плиталарни мойлаш, ғиштларни ошлаш ишларини бажарадилар. Ҳамма жараёнлар 40° дан юқори бўлган ҳарорат остида бажарилади. Улар вагон паркига ва печларнинг ҳолатига жавобгар ҳисобланадилар, ҳамда таъмирлаш ишларини олиб борадилар. Барча

жараёнлар 3 метрли баландликда бажарилади ва ҳарорат 100° гача чиқади. Ишнинг оғирлиги бўйича меҳнат жараёни II категорияга таалуқли бўлиб ўртача оғирликдаги иш турига киради. Ишнинг оғирлиги иш ҳолати ва эгилишлар сонига боғлиқ бўлиб фазодаги ҳаракатлар 7 км ни ташкил этади. Ишнинг кескинлиги руҳий эмоционал зўриқиш билан тавсифланади. Ўт ёқувчилар меҳнат шароитининг гигиеник классификациясига асосан ишнинг оғирлиги бўйича 3-синфнинг 2-даражасига таалуқли.

Корхонада ишловчи расомлар буюмларга декорация бериш билан шуғулланадилар. Иш тури конвейер турга киради ва иш ҳолати монотон ҳолат билан тавсифланади. Операцияларни бажаришда кўп мартта қайтариловчи элементлар сони 9–12 тани ташкил этади. Расомлар буюмларга расм чизадилар ва буюмларга декорация бериш ишларини бажарадилар. Меҳнат жараёни эркин ҳолатда ва маълум ритмда бажарилади. Ишнинг оғирлиги кўтарилаётган юкнинг массаси ва иш ҳолати билан тавсифланади. Хронометраж текширув натижалари шуни кўрсатди-ки, иш сменасининг 85% и асосий ишларни бажаришга сарфланади. Ишнинг кескинлиги интеллектуал сенсор ва эмоционал зўриқишга боғлиқ. Ишнинг оғирлиги бўйича расомлар ўртача оғирликдаги II-а категорияга таалуқли, ишнинг кескинлиги бўйича меҳнат шароити 2-синф яъни рухсат этилган синфга таалуқлидир.

Маҳсулотни қуритувчилар шликерларни қуритиш ишлари билан шуғулланадилар. Қуритиш ишлари 500–600° С ҳароратда минора пуркагичлар қуритгичлар ёрдамда олиб борилади. Қуритувчиларнинг вазифасига газ горелкасида иборат бўлган иссиқлик тарқатувчи минорадаги ҳарорат режимини тартибга солишдан иборат. Бу касб эгаларининг иш жойларида иситувчи микроклим таъсир қилади. Йилнинг илиқ даврида иш жойларидаги ҳарорат 38°С га тенг. Иш оғирлиги бўйича ўртача оғирликдаги иш тури бўлиб II-б категорияга таалуқли. Ишчининг иш ҳолати 25% ҳолатда ғайриоддий бўлиб 3-синфни 1-даражасига таалуқли. Фазодаги ҳаракатлар сони 4 км. Ишнинг кескинлиги руҳий эмоционал зўриқиш билан тавсифланади. Диққатнинг давомийлиги иш кунининг 60% га тенг. Топшириқларнинг мураккаблилик даражаси мавжуд бўлиб ишчилар текшириш, назорат қилиш, қайта ишлаш вазифаларни бажарадилар. Гигиеник классификацияга асосан меҳнат шароити 3-синфнинг 2-даражасига таалуқли.

Сараловчилар печлардан чиққан вагонларнинг намунасини саралаш ишларини бажарадилар. Маҳсулотлар қўлқоп билан 60–70°С гача қиздирилган иссиқ капсулалардан олинади. Расм чизиш цехидаги сараловчиларнинг иши тайёр маҳсулотларни саралаш, қадоқлашдан иборат. Ишнинг оғирлиги юкнинг массаси билан тавсифланади. Қўл билан кўтариладиган юкнинг массаси 10 кг, регионал зўриқишда стереотиплар ҳаракатлар сони 30000 дан ортиқ. Иш куни сменасида эгилишлар сони 150–200 та. Ишнинг кескинлиги руҳий эмоционал зўриқиш, иш куни давомида жавобгарлик ҳисси ва ишнинг монотонлиги билан тавсифланади. Сараловчиларнинг меҳнати иш жараёнининг оғирлиги билан тавсифланади. Жисмоний иш ўртача оғирликдаги II категорияга мансуб бўлиб меҳнат шароити 3 — синфнинг 1 — даражасига таалуқлидир.

Хулоса: Шундай қилиб, келтирилган далилларга асосан «ART KERAMIKA» корхонадаги иш жараёни ишнинг оғирлиги

ва кескинлиги, ишнинг монотонлиги билан тавсифланади ва чарчашга олиб келади. СанҚваМ № 0141–03 «Ишлаб чиқариш жараёнини оғирлиги ва кескинлиги, зарарли ва ҳавфли омиллар кўрсаткичлари бўйича меҳнатнинг гигиеник таснифи» асосан

корхонадаги ишчиларнинг меҳнат шароити зарарли 3-синфнинг 1,2,3-даражасига таалуқли бўлиб гигиеник меъёрлардан ошганлигидан ва ишчилар организмга ноқулай таъсир этиши аниқланди.

Адабиёт:

1. Гребеньков с. В., Сорокин Г. А., Фролова Н. М. Оценка профессионального риска по данным медицинских обследований работников // Материалы научной конференции с международным участием «Медицина труда. Здоровье работающего населения: достижения и перспективы». — СПб. — Изд. СПбМАПО. — 2009. — С. 49–52.
2. Курбанова Ш. И., Сабитов М. А. Сопол буюмлари ишлаб чиқариш корхонасида ёритилганлик кўрсаткичларини гигиеник баҳолаш // Молодой ученый. — 2022. — № 50 (445). — С. 532–533. — URL: <https://moluch.ru/archive/445/97641/> (дата обращения: 13.03.2023).
3. Макарова Е. С., Федоркин С. И. Технология производства золокерамических материалов наполненной каркасно-сотовой структуры // Строительство и техногенная безопасность. — 2004. — № 9. — С. 76–77.
4. Юмашева Е. И. Перспективы развития керамической промышленности России // Строительные материалы. — 2003. — № 4. — С. 34–36.

Мебель ишлаб чиқариш корхонасида ишловчиларнинг гигиеник меҳнат шароитларини баҳолаш

Самигова Наргиз Раимовна, тиббиёт фанлари номзоди, доцент
Тошкент Тиббиёт Академияси (Ўзбекистон)

Сейфуллаева Гулсара Адилбековна, ассистент
Қорақалпоғистон Тиббиёт Институти (Нукус, Ўзбекистон)

Мебел ишлаб чиқариш корхоналари ишловчиларининг меҳнат шароитларини СанҚ ва Н № 0141–03 «Иш жараёнининг оғирлиги ва кескинлиги, ишлаб чиқариш муҳитининг зарарлилик ва ҳавфлилик омиллари кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароитларини гигиеник классификациялаш» га мувофиқ равишда ишлаб чиқариш омиллари интенсивлиги билан «зарарли» деб тавсифлаб, меҳнат жараёни оғирлиги ва кескинлиги бўйича меҳнат шароитлари учинчи синфнинг иккинчи даражасига киритилиши мумкин (3.2).

Калит сўзлар: меҳнат гигиенаси, мебел ишлаб чиқариш корхонаси, меҳнат шароитлари, ишлаб чиқариш муҳит.

Оценка гигиенических условий труда рабочих мебельного производства

Самигова Наргиз Раимовна, кандидат медицинских наук, доцент
Ташкентская медицинская академия (Узбекистан)

Сейфуллаева Гулсара Адилбековна, ассистент
Медицинский институт Каракалпакстана (г. Нукус, Узбекистан)

В соответствии с СанПиН № 0141–03 «Гигиеническая классификация условий труда по показателям тяжести и напряженности трудового процесса, вредности и опасности факторов производственной среды» условия труда рабочих предприятий мебельного производства характеризуются как «вредные» по интенсивности производственных факторов. Условия труда могут быть отнесены ко второй степени третьего класса (3.2).

Ключевые слова: гигиена труда, мебельное производство, условия труда, производственная среда.

Бизнинг республикамизда шаҳар ва қишлоқларда аҳоли яшаши учун қурилиш ишлари кенг йўлга қўйилиши бир неча саноат соҳаларининг ривожланишига олиб келмоқда, шу жумладан мебел ишлаб чиқариш корхоналари сони ҳам ошиб борапти. Хозирги кунда кўпчилик мебел ишлаб чиқариш корхоналарида механизациялашган ва автоматлаштирилган хизмат

кўрсатиш линиялари йўлга қўйилиб, замонавий янги техника ва технологиялар, машина ва қурилмалар жорий қилинмоқда [2, 5, 6]. Чет эл мамалакатлари билан шартнома тузиш асосида улардан такомиллаштирилган технологиялар, жиҳозлар олиб келинапти, бу эса бир тарафдан албатта ишни енгилашишига, ишлаб чиқаришни ошишига олиб келса, бошқа тарафдан аввал